

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ХУДОЙКУЛОВ МАМАРАСУЛ РАДЖАБОВИЧ

**ТЎҚИМАЧИЛИК ТАРМОҒИ АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТЛАРИДА БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences**

Худойкулов Мамарасул Раджабович

Тўқимачилик тармоғи акциядорлик жамиятларида бошқариш
механизми самарадорлигини ошириш 3

Худойкулов Мамарасул Раджабович

Повышение эффективности механизмов управления в акционерных
обществах текстильной отрасли 24

Xudoykulov Mamarasul Radjabovich

Increasing the efficiency of management mechanisms in joint-stock
companies of the textile industry 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ХУДОЙКУЛОВ МАМАРАСУЛ РАДЖАБОВИЧ

**ТЎҚИМАЧИЛИК ТАРМОҒИ АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТЛАРИДА БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.Phd/Iqt69 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қосимова Дилором Собировна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нуримбетов Равшан Ибрагимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хамидов Обиджон Хафизович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни таркатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю. Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

А.Н. Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.А. Махкамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсонларнинг тўқимачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун бошқарув механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг маълумотларига биноан, енгил саноат ҳиссасига дунё саноат ишлаб чиқаришининг 5,7 %, банд бўлганларнинг 14,0 %дан ортиқроғи тўғри келади. Сўнгги 15 йил давомида тўқимачилик материаллари ва кийим-кечак истеъмол қилиш Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида 90,5 %га, АҚШда – 99,3 %га ва Японияда – 220,0 %га ошган¹. Шу жиҳатдан тўқимачилик саноати ишлаб чиқаришини замонавий бошқарув усуллари қўллаган ҳолда янада ривожлантириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Жаҳонда тўқимачилик тармоғи акциядорлик жамиятларида бошқарув механизмлари самарадорлигини ошириш соҳасида кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, тўқимачилик тармоғи акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш асосида эконометрик моделлар яратилган ҳамда ушбу моделлар ёрдамида корпоратив бошқарув самарадорлиги баҳоланган. Корпоратив бошқарувда ички ва ташқи механизмларнинг амал қилиш тартиби, корпоратив маданиятни шакллантириш, корпоратив низоларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш, мулкдорлар ҳамда бошқа шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, мулк эгалари билан менежерлар ўртасидаги муносабатлар масалалари, корпоратив бошқарув жараёнидаги томонлар қизиқишларини ўрганиш ҳамда банкротлик эҳтимолини баҳолаш, корпоратив бошқарувда назорат механизмларини янада такомиллаштириш асосий илмий тенденциялардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ислохотлар шароитида тўқимачилик саноати корхоналарининг бошқарув механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш...”² вазифалари белгиланган. Бу каби устувор вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши республикаимиз тўқимачилик тармоғи акциядорлик жамиятларида бошқарув механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, тўқимачилик акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини

¹ www.oecd.org

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони.

оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сонли “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг. I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бошқарувнинг умумий масалалари, хусусан, корпоратив бошқарув жиҳатлари кўплаб хорижлик ҳамда мамлакатимиз олимларининг илмий асарларида кенг миқёсда ёритилган. Хорижлик тадқиқотчилардан ушбу соҳада А.Бэрли, Г.Мэйнс, И.К.Адизес, Р.Акофф, И.Х.Ансофф, Аоки Масахико, Ж.Соломон, А.Соломон, Д.М.Салиони, Ф.Геннари, Б.Трэйкер³ ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

МДХ олимларидан В.Г.Антонов, А.Н.Асаул, В.И. Павлов, Ф.И.Бескиерь, О.А.Мышко, А.Блюмгардт, В.П.Богов, И.Ю.Бочарова, В.Р.Веснин, И.Б.Гурков⁴ ва бошқалар корпоратив бошқарув механизмлари самарадорлигини оширишни тадқиқ этганлар.

³ Berle A., Means G. The Modern Corporation and Private Property. – New York: Macmillan, 1932; Адизес И.К. Управление жизненным циклом корпорации / Пер. с. англ. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2014. – 512с; Акофф Р. Планирование будущего корпорации / Пер. с. англ. – М.: Сирин, 2002. – 256с; Ансофф И.Х. Новая корпоративная структура / Пер. с англ. – СПб.: Питерком, 1999. – 416с; Аоки Масахико. Корпорации в условиях растущего многообразия: познание, руководство и институты / Пер. с. англ. Ю.Каптуревского. – М.: Издательство Института Гайдара, 2015. – 368с; Solomon J., Solomon A. Corporate Governance and Accountability. – John Wiley & Sons Ltd, 2004. – 318 p; Salvioni D.M.; Gennari F. Corporate governance, sustainability and capital markets orientation. Int. J. Manag. Sustain. 2014, 3, 469-483; Bob Tricker – Corporate Governance, Principles, Policies and Practices, 3rd edition, Oxford online resources center, 2012 – 904pp.

⁴ Антонов В.Г. и др. Корпоративное управление: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 288с; Асаул А.Н., Павлов В.И., Бескиерь Ф.И., Мышко О.А. Менеджмент корпорации и корпоративное управление. – СПб.: Гуманитка, 2006. – 328с; Блюмгардт А. Модели корпоративного управления. – Киев: Наука мысль, 2003. – 380с; Богов В.П. Корпоративный менеджмент. – М.: Издательство РЭА, 1999, - 246с; Бочарова И.Ю. Корпоративное управление. – М.: Инфра-М, 2017. – 368 с; Веснин В.Р. Корпоративное управление. – М.: МГИУ, 2008. – 254с; Гурков И.Б. Стратегия и структуры корпорации. Учебное пособие. – М.: Издательство Юрайт, 2016. – 418с.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан Б.Ходиев, С.Ғуломов, Б.Беркинов, И.Бутиков, Д.Қосимова, А.Хашимов, Р.Карлибаева, Д.Суюнов, А.Фаттахов, К.Толипов, Р.Яушев, М.Хамидуллин, О.Б.Мансуров, Н.Пулатов, Л.Турикова, Н.Расулев, М.Ташхаджаев, Д.Бегматова⁵ ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш масалалари ўз ифодасини топган.

Менежмент ва корпоратив бошқарув назарияси ҳамда амалиёти учун бажарилган илмий ишларнинг муҳимлигини эътироф этган ҳолда таъкидлаш лозимки, тўқимачилик саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиқиб, иштирокчилар қизиқишларини инобатга олган ҳолда самарали корпоратив бошқарув тизимини яратиш ва унинг механизмлари самарадорлигини ошириш масалалари етарлича ўрганилмаган. Бу эса, диссертация мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, Ф-1-12-сонли “Маркетинг стратегияси ривожланиши асосида тўқимачилик маҳсулотларини рақобатбардошлигини оширишнинг назарий ва услубий асослари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади республика тўқимачилик тармоғидаги акциядорлик жамиятларини бошқариш механизмининг такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

⁵Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. –Т.: ADIB, 2010. – 190б.; Ғуломов С.С. ва бошқалар. Корпоратив ҳуқуқ. –Т.: ФАН, 2004. – 703б.; Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры: основы создания и управления. –Т.: Изд. Нац. биб-ки Узбекистана им. А.Наваи, 2005. – 132 с.; Бутиков И.Л. Қимматли қоғозлар бозори. –Т.: Консаудитинформ, 2001. – 494б.; Хашимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпорацияларни бошқариш: Монография. –Т.: ФАН, 2007. – 300б.; Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Акрамова Н.И. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. – ТДИУ, 2010. – 280б.; Qosimova D.S. Integrasiyalashgan korporativ tuzilmalarni boshqarishning zamonaviy tendensiyalari: Monografiya. –Т.: TDIU, Iqtisodiyot, 2011. - 168 б.; Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. –Т.: Академия, 2007. – 319 б.; Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни жорий этиш муаммолари. Фаттохова Ж.А., Яушев Р.И., Толипов К.Ф., Хамидуллин М.Б. – Тошкент, Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2006. – 79 б.; Мансуров О.Б. Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув. Монография. –Т.: Молия, 2008. – 196 б.; Пулатов Н.Т. Очик акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари («Ўзкимёсаноат» ДАК ОАЖлари мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. - Т.: 2011. - 195б.; Расулев Н.М. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари материаллари асосида): Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. - Т., 2010. - 143б.; Ташхаджаев М.М. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш йўналишлари («Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналари мисолида): Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. –Т., 2012. - 143б.; Бегматова Д.Б. Совершенствование методов оценке эффективности корпоративного управления в акционерных обществах: дис. на соискание учёной степени доктора философии (PhD) по экон. наук. – ТГЭУ, 2017. – 164с.

акциядорлик жамиятларида бошқарув механизмлари тавсифини ўрганиш ва улар самарадорлигини ошириш заруратини аниқлаш;

корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини ошириш бўйича илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини тадқиқ этиш;

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси бошқарув тизими ҳолатини таҳлил қилиш;

тўқимачилик акциядорлик жамиятларида бошқарув механизмлари ҳолатини таҳлил қилиш;

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг ишлаб чиқариш фаолияти таҳлил қилиш;

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш;

тўқимачилик акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқаруви ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиб бериш;

тўқимачилик акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлиги диагностикаси ва назорат механизмини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети тўқимачилик саноати корхоналарида бошқарув жараёнида пайдо бўлувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, график талқин, қиёсий таҳлил, SWOT таҳлил, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик тармоғи акциядорлик жамиятларини бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий механизмлари мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулкдорлар билан менежерлар қизиқишлари уйғунлигини таъминлаш, корпоратив бошқарув тизимида жамоавий ҳамкорлик ва ижтимоий шерикчилик муносабатларидан кенг фойдаланиш, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини занжирли боғланиш усули орқали ошириш асосида такомиллаштирилган;

тўқимачилик тармоғи акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизмлари самарадорлигини мулкдорлар қизиқишларини ҳимоя қилиш параметрларини ҳисобга олувчи иқтисодий-статистик ҳамда баланслашган кўрсаткичлар тизими асосида ҳисоблаш модели таклиф этилган;

тўқимачилик акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишга йўналтирилган диагностика ва ички назорат механизми халқаро COSO (Committee of Sponsoring Organizations) концепцияси қоидаларини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

тўқимачилик акциядорлик жамиятлари бошқарув механизми замонавий корпоратив бошқарувга мос таркибий тузилмани шакллантириш, корпоратив бошқарувнинг ички ва ташқи назорат механизмларини ишлаб чиқиш, корпоратив бошқарувни самарали ташкил этишнинг ички ҳужжатлари, хусусан, тармоқ Корпоратив кодексини яратиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик акциядорлик жамиятлари бошқарув механизми самарадорлигини оширишнинг тизимли-мақсадли ёндашувга ассланган ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқилган;

тўқимачилик корхоналарида сифатни бошқариш механизмини такомиллаштириш, хусусан тармоқ корхоналарида “Сифатни бошқариш ва мониторинг қилиш” бўйича Ишчи гуруҳнинг таркиби ва вазифаларини такомиллаштириш борасида тавсиялар берилган;

тўқимачилик тармоғидаги акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув механизмларининг самарадорлигини баҳолашда мулкдорлар қизиқишларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ҳисобга олувчи услуб яратилган;

тўқимачилик акциядорлик жамиятларида халқаро COSO концепциясига мувофиқ корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишга йўналтирилган диагностика ва ички назорат механизми таклиф этилган;

корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш матрицасидан фойдаланиб, тўқимачилик тармоғи акциядорлик жамиятларида бошқариш механизми самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги илғор хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, тўқимачилик тармоғида корпоратив бошқарув механизмини такомиллаштириш борасидаги мавжуд илмий-тадқиқот ишларини қиёсий ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ахборотлар базасининг миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларидан олинганлиги ва уларни самарали таҳлил усулларида фойдаланиш орқали қайта ишланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларига, шунингдек бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўқимачилик тармоғи акциядорлик жамиятларини бошқариш, хусусан корпоратив бошқарув механизмларининг самарадорлигини ошириш тўғрисида илмий-назарий ва илмий-услубий билимлар доирасини кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тўқимачилик акциядорлик жамиятларида бошқарув, хусусан корпоратив бошқарув механизмлари самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган ишланмаларни амалиётга қўллаш, ушбу корхоналарнинг мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш орқали рақобатбардошлигини ошириш, янги таркибий тузилмаларни шакллантириш, янги иш ўринларини яратишга имконият яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тўқимачилик акциядорлик жамиятларида бошқариш механизми самарадорлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

тўқимачилик тармоғи акциядорлик жамиятларини бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий механизмлари мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулкдорлар билан менежерлар қизиқишлари

уйғунлигини таъминлаш, корпоратив бошқарув тизимида жамоавий ҳамкорлик ва ижтимоий шерикчилик муносабатларидан кенг фойдаланиш, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини занжирли боғланиш усули орқали ошириш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси корхоналари амалиётига жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2018 йил 4 июндаги ФЖ-03-3853-сон маълумотномаси). Натижада тўқимачилик корхоналарида бошқарув харажатларининг ҳар бир сўми ҳисобига 1,42 сўм даромад олишга эришилган;

тўқимачилик тармоғидаги акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув механизмларининг самарадорлигини мулкдорлар қизиқишларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ҳисобга олувчи иқтисодий-статистик ҳамда баланслашган кўрсаткичлар тизими асосида ҳисоблашнинг такомиллаштирилган модели “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси фаолиятига жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2018 йил 4 июндаги ФЖ-03-3853-сон маълумотномаси). Корпоратив бошқарув самарадорлигини иқтисодий-статистик ҳамда баланслашган кўрсаткичлар тизими асосида ҳисоблаш натижасида олинган иқтисодий самара 2017 йилда 117 млн. 635 минг сўмни ташкил этган;

халқаро COSO концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган тўқимачилик акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишга йўналтирилган диагностика ва ички назорат механизми «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи “Китоб ип йигирув” АЖ фаолиятига жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2018 йил 4 июндаги ФЖ-03-3853-сон маълумотномаси). Натижада сотишдан олинган ялпи фойданинг таққослама нархлардаги ўсиш суръати 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 14,75 %ни ташкил этган;

тўқимачилик акциядорлик жамиятлари бошқарув механизмини замонавий корпоратив бошқарувга монанд таркибий тузилмани шакллантириш, корпоратив бошқарувнинг ички ва ташқи назорат механизмларини ишлаб чиқиш, корпоратив бошқарувни самарали ташкил этишнинг ички ҳужжатларини, хусусан тармоқ Корпоратив кодексини яратиш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибига кирувчи “Китоб ип йигирув” АЖ фаолиятига жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2018 йил 4 июндаги ФЖ-03-3853-сон маълумотномаси). Натижада “Китоб ип йигирув” акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилида 2016 йилга нисбатан 18,4% га, маҳсулот сотишдан тушган умумий тушум 119,7 %га, соф фойда микдори эса 118,6 % га ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий мазмуни бўйича умумий ҳажми 14 та илмий иш, шундан 1 та монография, 6 та маҳаллий журналларда, 2 та халқаро журналларда мақола, 6 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган. Унинг ҳажми 145 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бозор иқтисодиёти шароитида акциядорлик жамиятларида бошқариш механизми самарадорлигини оширишнинг назарий услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган, акциядорлик жамиятларида бошқариш механизмлари тавсифи, турлари, омиллари ҳамда улар самарадорлигини ошириш зарурати асослаб берилган, шунингдек корпоратив бошқариш механизми самарадорлигини оширишнинг илғор хориж тажрибалари ўрганилган.

Менежмент амалиётида корпоратив бошқарув мавзуси республикаимиз учун янги ҳисоблансада, бугунги кунда ўзбек компаниялари активларини эгаллаш ва қайта тақсимлаш, молиявий оқимлар устидан назоратни кучайтириш ва капитални олиб чиқиш масалалари долзарблиги билан ажралиб турмоқда. Компанияларнинг корпоратив бошқарув шакли самарадорлигини оширишдаги қарашлари тубдан ўзгарди. Диссертацияда буни қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкинлиги асосланган:

Ўзбекистонда турли мулкдорлар синфининг пайдо бўлиши компанияларнинг тезкор бошқарувни эмас, балки корпоратив шаклни танлашнинг талабини қўймоқда. Хусусийлаштириш жараёнининг дастлабки босқичларида ёлланма менежерларга талаб унчалик юқори эмас эди. Дастлабки пайтларда малакали, юқори кўникма ва лаёқатга эга менежерлар кам сонли эди. Шу боисдан, бу каби менежерларга талабнинг ошганлигини инобатга олган ҳолда ҳозирда жаҳон талаблари даражасидаги менежерларни тайёрлаш йўлга қўйилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирда ҳам кўпчилик мулк эгалари (акциядорлар) менежерларга тўлиқ ишонч ҳосил қилмаганлар. Мулк эгалари компанияни ўзларига мослаб ташкил этганлар.

Ўзбекистонда бугунги кунда янги даромад олиш манбаи ҳисобланган қимматли қоғозлар бозори тез ривожланиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида акциядорлик жамиятлари кўламининг ортишига имкон беради.

Мутахассислар ва олимлар корпоратив бошқарув тушунчасига турли томондан ёндашадилар. Айрим тадқиқотчилар кўпроқ эътиборни корпоратив бошқарувни ташкил этишнинг турли моделларига қаратсалар, бошқалари корпоратив бошқарувни фақатгина акциядорлик тузилмаларида мулк эгалари билан менежмент ўртасидаги муносабатларга боғлашади.

Корпоратив бошқарувга берилган таърифларни ўрганиш шу хулосага олиб келдики, муаллиф фикрича, ушбу таърифларда умумий бўлган элементлар, тавсиф ва ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар саналади:

корпоратив бошқарув бир бутунлигича бир тизимдир;

корпоратив бошқарув маълум таркибий тузилмалар ва жараёнлар билан тавсифланадиган муносабатлар тизимидир;

корпоратив фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш тизимидир;

корпоратив муносабатларнинг иштирокчилари ҳар хил (баъзида бир – бирига қарама – қарши) манфаатларга эга бўлишлиги;


корпоратив муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимлашни аниқловчи тузилма;

қарор қабул қилиш қоида ва тартиблари, компания мақсадларини шакллантириш ва унга эришиш учун қўлам ва компания фаолияти натижасини назорат қилиш механизми;

корпоратив бошқарув тизимининг барча иштирокчилари компанияни бошқариш ва унинг фаолиятини назорат қилишда қатнашиш имкониятига эга бўлиши лозим;

фаолият самарадорлиги ва узоқ муддатли истикболда компания қийматини ошириш учун корпоратив муносабатлар тизими ушбу муносабатларга алоқадор субъектлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг адолатли тақсимланишига йўналтирилган бўлиши лозим.

Диссертацияда корпоратив бошқарув механизмларининг ташқи ва ички турлари келтирилган (1 – расм).



1– расм. Корпоратив бошқарув механизмларининг турлари⁶

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


Корпоратив бошқарувнинг ички механизмлари компаниянинг самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Бироқ уларнинг барчаси ҳам ташқи кузатувга очик эмас, фақат ташқаридан осон кўринадиган тавсифларгина ташқи инвесторларнинг компания тўғрисидаги қарорларига таъсир этади. Ички механизм элементларига ташқи қарзнинг мавжудлиги; дўстона бўлмаган тарзда мулкни эгаллашдан ҳимояланиш усуллари; менежерларни рақбатлантириш тизими; ишловчилар мулки ва улар билан контрактлар; директорлар кенгаши киради.

Республикамизда корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли фармони муҳим ўрин тутди.

Иқтисодий жиҳатдан турлича ривожланган мамлакатлардаги корпоратив тизимларни ташкил этиш хусусиятлари билан батафсил танишиш учта ўзига хос моделни: Англия-Америка, Германия (континентал Европа) ва Япония (Осиё) моделларини ажратиб кўрсатиш имконини беради. Диссертацияда ушбу моделларнинг моҳияти ўрганилган. Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, республикамизда корпоратив бошқарув тизимининг қонунчилик базасини шакллантиришда кўпроқ Германия моделидан фойдаланилди ва директорлар кенгашининг икки поғонали тизими қабул қилинди.

Диссертациянинг **““Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси акциядорлик жамиятларининг бошқарув механизмлари таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси бошқарув тизими ҳолати таҳлил қилиниб, уни такомиллаштириш зарурати асослаб берилган, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги акциядорлик жамиятларида бошқарув механизмлари ҳолати таҳлил қилинган, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ишлаб чиқариш фаолияти таҳлил қилиниб, унинг самарадорлигини оширишда корпоратив бошқарувнинг роли асослаб берилган.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув фаолиятини ташкил этишни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, республикамизда акциядорлик жамиятларини бошқариш борасидаги асосий талаблар 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган. Мазкур Қонунга мувофиқ, акциядорлик жамиятларида бошқариш механизмининг асосини акциядорларнинг умумий йиғилиши; кузатув кенгаши ва ижроия органидан иборат уч бўғин ташкил этади (2-расм).



2-расм. Тўқимачилик тармоғидаги акциядорлик жамиятларини бошқариш механизмида бошқарув органлари функцияларининг тақсимланиши⁷

Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг олий органи ҳисобланади. Унинг ваколатлари жумласига жамият уставига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

уставини тасдиқлаш, жамиятни қайта ташкил этиш, жамиятни тугатиш киради.

Тўқимачилик тармоғидаги акциядорлик жамиятларида бошқариш тизимига қўйиладиган асосий талаблардан бири – жараёнларнинг сифат даражаси ҳисобланади.

Шу мақсадда, диссертацияда акциядорлик жамиятларини бошқаришга таъсир этувчи сифат омиллари таснифланди ҳамда тўқимачилик корхоналарида сифатни бошқариш механизмини такомиллаштириш, хусусан тармоқ корхоналарида “Сифатни бошқариш ва мониторинг қилиш” бўйича Ишчи гуруҳнинг таркиби ва вазифаларини такомиллаштириш борасида тавсиялар берилди.

Жумладан, Ишчи гуруҳ зиммасига корхонада сифатни бошқариш ва мониторинг қилиш жараёнига махсус тайёргарлик ва тажрибага эга ходимларни жалб этиб бориш, заруратдан келиб чиқиб ишчи гуруҳ таркибини қайта тузиш бўйича тезкор қарорлар қабул қилиш, барча ходимлар томонидан белгиланган сифат меъёрларига қатъий амал қилинишини таъминлаш, мониторинг натижалари бўйича корхона бошқаруви муҳокамасига сифат назоратини кучайтириш учун асосли таклифлар киритиш, хусусан корхона фаолиятининг бошқа жиҳатларини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш борасида тавсиялар бериш, тўқимачилик корхоналарида ходимларни сифат менежменти бўйича малакавий тайёргарлигини мустаҳкамлаб бориш каби муҳим вазифаларни юклаш зарурлиги асосланди.

Диссертациянинг **“Иқтисодий янада ривожлантириш шароитида акциядорлик жамиятларида бошқарув механизмларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон тўқимачилик акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқаруви ташкилий-иқтисодий механизмларини ривожлантириш, корпоратив бошқарув самарадорлиги диагностикаси ва назорат механизмини такомиллаштириш бўйича илмий тавсифдаги таклифлар ишлаб чиқилган, тўқимачилик акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқариш тизими самарадорлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштирилган ҳамда баҳолаш натижалари асосида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган.

Тўқимачилик акциядорлик жамиятларида бошқарув тизимини такомиллаштиришда кўзланган мақсад иштирокчи томонлар қизиқишларини инобатга олган ҳолда жамоавий ҳамкорлик ва ижтимоий шерикчилик асосида мавжуд барча ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали юқори самарадорлик даражасига эришиш саналади. Муаллиф фикрича бунинг учун эса қуйидагилар бўлиши зарур:

тўқимачилик акциядорлик жамиятларида оқилона иқтисодий концепция (бизнес-режа) тузилиши ва уни амалга оширишга лаёқатли юқори малакали менежерлар бўлиши лозим;

тўқимачилик акциядорлик жамияти ўз лавозим вазифаларини муваффақиятли бажарган бошқарувчиларга муносиб равишда ҳақ тўлаш орқали уларни самарали рағбатлантириш зарур;

акциядорлик жамиятида мулкдорлар ҳуқуқларини, айниқса, миноритор акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми ишлаб чиқиши лозим;

тўқимачилик акциядорлик жамияти иқтисодий фаолиятининг шарт-шароитлари шаффоф бўлиши ва шу орқали бошқарувчиларнинг ҳамда бошқа ижро этувчи ходимларнинг акциядорлар олдида тегишли равишда ҳисоб бериб туришлари таъмин этилиши шарт;

мулкдорлар (акциядорлар) уларнинг активларидан самарали фойдаланиши ҳамда фойданинг адолатли тақсим этилиши бўйича кафолатга эга бўлишлари лозим;

мулкдорлар (акциядорлар) билан менежерлар қизиқишлари уйғунлигини таъминловчи механизм ишлаб чиқиши лозим.

Тўқимачилик акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув ва корпоратив менежментни истиқболда ривожлантиришнинг зарурати шу билан изоҳланадики, ушбу тадбирни амалга ошириш орқали қуйидаги ижобий самараларга эришиш мумкин:

акциядорлик жамияти инвестиция жозибадорлигини ошириш;

кенг миқёсда инвесторларни жалб этиш;

фаолият самарадорлигини янада ошириш;

банк кредитлари олиш харажатларини камайтириш;

корхона бозор қийматини ошириш;

капитал бозорига киришни енгиллаштириш;

корхона имижини ва обрўсини ошириш.

Бизнингча, ҳозирги шароитда тўқимачилик акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув амалиётини такомиллаштиришнинг асосий вазифа ва йўналишлари қуйидагилар саналади:

ҳалқаро амалиётни кенг қўллаш;


мулкдорлар ҳуқуқлари ва қизиқишларини ҳуқуқий жиҳатдан тартиблаштиришда фаол иштирок этиш;

инвестицияни жалб этишни мўлжаллаш.

Корпоратив шаклда хўжалик юритишнинг самарали фаолият юритиши ҳамда ривожланиши жараёни автоматик тарзда ўз-ўзидан намоён бўлмайди. Самарали корпоратив бошқарув асосан танланган стратегияга мос келувчи ташкилий тузилмани шакллантириш, шунингдек нафақат корпорация стратегияси тизимини танлаш, балки уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқишни таъминлайдиган *ташкилий-иқтисодий* механизмларни шакллантириш орқали эришилади.

Одатда, ташкилий тузилма ўзаро боғланган асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи жараёнлардан иборат бўлиб, унда вазифаларнинг тўғри тақсимланиши асосий муаммо ҳисобланади. Бу муаммо ижобий ҳал қилинган хўжалик субъектларида маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотни истеъмолчилар талабига мос равишда тезроқ бозорга етказиб бериш имконияти юзага келади.

Шу боисдан, диссертацияда тўқимачилик корхоналарида шу мақсадда ишлаб чиқариш бўлимлари ва уларга хос бўлган бошқаришнинг такомиллашган механизминини ишлаб чиқиш зарурлиги асосланган (3-расм).



3-расм. Тўқимачилик тармоғидаги акциядорлик жамиятларини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишлари⁸

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг мавжуд усуллари етарлича чегараланиш ва камчиликларга эга бўлиб, республикамиз амалиётига қўллаш

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

соҳасини нисбатан торайтиради.

Биринчидан, ушбу усуллар етарлича бозор муносабатлари ривожланган ва унда самарали корпоратив бошқариш механизмлари амал қилган корпорациялар фаолиятини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Иккинчидан, юқоридаги моделлар асосида республикамиз корпоратив бошқаруви самарадорлигини баҳолашни амалга ошириш умумреспублика корпоратив бошқаруви ҳолатини баҳолашга имкон беради, холос. Ушбу маълумотлар эса, аниқ бир акциядорлик жамиятидаги корпоратив бошқарув ҳолатини баҳолаш имонини бермайди.

Учинчидан, корпоратив бошқарув самарадорлигини унинг бозор қиймати асосида баҳолаш корпорация акция тўловига лаёқатлилигини кафолатловчи фонд бозорлари самарали фаолият юритишидагина мумкин бўлади.

Тўртинчидан, АҚШ ва бошқа давлатлар корпорациялари фаолияти бўйича ишлаб чиқилган банкротликни башоратлаш моделларини тўғридан-тўғри республикамиз амалиётида қўллаш мумкин эмас.

Бешинчидан, корпорацияда қатнашишида мулкдорлар томонидан олинган молиявий нафтиликни баҳолашга таяниладиган корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубияти корпорация фаолиятида мулкдорларнинг бошқа қизиқишларини ҳам ҳисобга олмаган. Масалан, корпорация фаолиятини назорат қилишдаги қизиқишини.

Олтинчидан, аниқ корпорациянинг алоҳида мулкдорлари қизиқишларини ҳимоя қилиш даражасини табақалаштиришга ушбу услубиятлар имконият яратмайди.

Шу боисдан, диссертацияда тўқимачилик саноати акциядорлик жамиятлари бошқарув механизмлари самарадорлигини баҳолашда бу каби камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилинган ва бу соҳада мавжуд усулларни такомиллаштириш лозим деб топилган. Бунда корпорация бошқарув механизмлари самарадорлигини баҳолашда иқтисодий–статистик ва коэффициентлари таҳлили усулларини уйғунликда қўллаш ёндашувига таянилган.

Диссертацияда “Мулкдор қизиқишларини ҳимоя қилиш” тушунчаси таркибини ўрганишнинг таклиф этилган ёндашуви амалга оширилди ва натижалар асосида тўқимачилик саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини баҳолашнинг такомиллашган усули ишлаб чиқилди. Ушбу усулга кўра мулкдор қизиқишларини ҳимоя қилиш даражаси интеграл кўрсаткичи умумий кўринишда қуйидагича бўлади:

